

"Амирсой"га олиб борувчи 4,5 километрик янги йўл қурилди



Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чимён туристик зонасини халқаро даражадаги тоғ-чанги комплексини қуриш орқали ривожлантириш тўғрисида"ги фармойишида Автомобиль йўллари қўмитаси зиммасига "Амирсой" тоғ-чанги курортига олиб борувчи янги автомобиль йўлини қуриш вазифаси юклатилган эди.

4 ярим километр узунликдаги мазкур янги автомобиль йўлини қуриш ишларини қисқа муддатларда сифатли амалга оширишга буюртмачи сифатида – Тошкент вилояти "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК, бош пудрачи этиб эса – Бўстонлиқ туман йўллардан фойдаланиш корхонаси белгиланган, қурилиш ишлари 2018 йилда бошлаб юборилган эди.

Бугунги кунда мазкур объектда 615 минг қубометрга яқин ҳажмдаги тупроқ ишлари, 36 минг квадрат метрлик асфальт-бетон қопламаси, йўлнинг хавфли жойларида қўйма темирбетон тиргович деворлар қуриш, "Амирсой" устидан эса 56 погонометр узунликдаги кўприк ва сунъий иншоотлар қурилиши ва бошқа йўл қурилиш ишлари амалга оширилди.

Айни дамда йўлсозлар томонидан тўлиқ фойдаланишга топширилган мазкур янги автомобиль йўли – юртдошларимиз ва хорижий сайёхларнинг тоғ-ён бағирларида мароқли ҳордиқ чиқариб, бехатар ва хавфсиз қатнашлари мақсадидаги ўзига хос байрам совғаси бўлди.

Эндики вазифа – келгусида йўл қопламасини бузилишлардан сақлаш ҳамда енгил автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда йўлсозлар томонидан ушбу автомобиль йўлида рухсат этилмаган оғир юк кўтарувчи автотранспорт воситалари ҳаракатини чеклаш, қиши мавсумида хаво ҳароратининг кескин совуши ва ёғингарчиликлар микдори ошиши натижасида юзага келадиган ноқулайликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Қўшимча тарзда шуни айтиш лозимки, Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан – кейинги йилларда "Тоғ-чанги копмплекси" инвестиция лойиҳасидаги биринчи ва иккинчи босқичларга кирган ҳудудларни боғловчи, маҳсус пиёдалар зonasини ўз ичига олган автомобиль йўлини ҳам қуриш режалаштирилган.